



**Давлат органлари ва ташкилотлари,
уларнинг ҳудудий ва таркибий
бўлинмаларида коррупциявий хавф-
хатарларни баҳолаш
АМАЛИЁТИ**

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ - 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

(2019 йил 27 май, ПФ-5729-сон)

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган **вазифа** ва **функциялар**ни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

i) коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг **фаолият соҳалари** ва **лавозимлари**, шунингдек, **уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхати**ни шакллантиради;

ii) идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш **чораларини кўради**;

iii) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари **раҳбарлари** коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари юзасидан **шахсан жавобгар бўлади**.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ - 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

(2022 йил 12 январь, ПҚ-81-сон)

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг **иккинчи йўналиши** — коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

1.1.1. коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти; *(тасдиқланган ҳужжатнинг электрон шакли илова қилинади)*. 18.10.2021 йил 01-07/6859-сон хат билан юборилган.

2.1. Давлат ташкилотининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш бўйича баҳолаш ўтказилганлиги; *(коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати илова қилинади)*.

2.2. Аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича кўрилган чоралар; *(коррупцияга қарши кураш дастури («Йўл харитаси») ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади)*.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ - 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

“ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УШБУ СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

(2022 йил 11 май, ПҚ-240-сон)
ТЎҒРИСИДА”

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, қуйидагиларни назарда тутувчи **«Е-Антикоррупция»** лойиҳаси тўлиқ ишга туширилсин:

i) давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш;

ii) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича **«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»**ни шакллантириш ва юритиш;

iii) коррупциявий хавф-хатарларни **қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш**, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ДАВРИЙЛИГИ



- Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш зарурати туғилганда
- Ҳар йили
- Функция ёки тартиб-таомилни амалга оширишга сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи ички ҳужжатлар ўзгарганда
- Янги функциялар пайдо бўлганда
- Қонунчилик талаблари ўзгарганда
- Коррупциявий хавф-хатар даражаси ва давлат органи функцияларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар юзага келганда

Давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини Реестрга киритиш **ҳар йили 1 мартга қадар амалга оширилади;**

Коррупциявий хавф-хатарларни (КХХ) аниқлаш ва баҳолаш тартиби

КХХни баҳолаш
давлат
ташкilotлари
таркибий
бўлинмалари
раҳбарларини жалб
қилган ҳолда
**коррупцияга
қарши ички
назорат
тузилмалари**
томонидан ташкил
этилади

Ички нazorат
тузилмалари
мавжуд бўлмаган
давлат
ташкilotларида
уларнинг таркибий
бўлинмалари
раҳбарларидан
иборат **ишчи
гуруҳлар ташкил
этилади**

КХХни баҳолаш
қониқарсиз амалга
оширилган деб
топилган тақдирда,
**Агентлик
кўрсатмасига
асосан унинг
фаолияти ташқи
баҳолашдан
ўтказилиши шарт**

**Давлат
ташкilotларининг
раҳбарлари**
баҳолашни ўз
вақтида ва сифатли
ўтказиш учун
**шахсан
жавобгардир**



Ҳар бир бўлинма ўз функцияларини баҳолагач, ички назорат тузилмаси идоранинг бирлашган **ХАВФ-ХАТАРЛАР ХАРИТАСИНИ** тузади, яъни бўлинмалар хариталарини умумлаштиради



БАҲОЛАШ ҚҮЙИДАГИЛАРГА АСОСАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ



⑩ ташкилотнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва **ТАШКИЛОТНИНГ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАРИ**

⑩ ички текширувлар материаллари, шу билан бирга **ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ**

⑩ ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича **МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ**

ОДОБ-АҲЛОҚ комиссияси йиғилишлари натижалари

⑩ манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган **СЎРОВ**

⑩ ташкилот фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид **СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР**

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган **МУРОЖААТЛАР**

⑩ ташкилот ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида **ОАВдаги маълумотлар**

⑩ ижтимоий тармоқларда қолдирилган **ИЗОҲЛАР**

⑩ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган **МАТЕРИАЛЛАР**

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАТАРЛАРНИ СИФАТЛИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Функция / жараён (Ф/Ж) **қуйидаги ҳолатларда** коррупциявий хатарларга энг кўп мойил бўлади:

Ф/Ж лицензиялар, рухсатномалар, рўйхатга олиш ҳужжатлари, турли хулосалар бериш ва/ёки қонунчилик билан белгиланган ҳаракатларни келишиш ва тасдиқлаш (маъқуллаш) билан боғлиқ бўлса;

Ф/Ж бажарилаётганда давлат мулкани бошқариш, уни тасарруф этиш ва ихтиёрига ўтказиш амалга оширилса;

Ф/Ж бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар (жумладан давлат харидларини амалга ошириш)ни тақсимлаш тўғрисида қарор тайёрлаш/қабул қилиш билан боғлиқ бўлса;

Ф/Ж доирасида давлат органига меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юклатилган назорат/текширув/ўрганиш функциялари амалга оширилса;

Ф/Жни бажариш доирасида фуқаролар ва/ёки юридик шахслар билан шахсий ўзаро алоқа амалга оширилаётган бўлса;

бир нечта номзодни субъектив параметрлар бўйича таққослаш амалга оширилаётган бўлса;

қандайдир Ф/Ж бўйича алоқа каналлари бўйича коррупциявий хатарларга оид шикоятлар ёки хабарлар келиб тушса ёки ОАВ ва бошқа манбаларда худди шундай маълумотлар бўлиши.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАТАРЛАР ХАРИТАСИ

Коррупциявий хатарлар харитаси – давлат органидаги коррупциявий хатарларни **баҳолаш натижалари** бўйича тузиладиган ҳамда функциялар ва тартиб-таомилларнинг **умумий рўйхати**, масъул шахсларнинг тегишли функциялари, хос ва қолдиқ коррупциявий **хатарлар даражаси**, аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимларни, камайтириш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ юз бериши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарлар (схемалар) **тавсифини ўз ичига олувчи** ҳужжатдир.

Функция номи	Функциянинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси (ЭНГ кўп мойил/ўрта/ЭНГ кам мойил)	Функция доирасида бажарилаётган тартиб таомил/жараён	Тартиб таомилга масъул лавозим	Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қисқача таърифи	Мавжуд назорат тартиб-таомиллари/тартибга солуви тартибга ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар	Кор. хавф- хатарни минималлаштириш чоралари	Кор.хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул шахс (лар) ва муддатлар	Қолдиқ кор.хавф-хатар даражаси (юқори / ўрта / паст)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Ўрганишлар								
Харидлар								
...								

Коррупциявий хатарларни камайтириш чора-тадбирлари

Хатарларни баҳолаш натижалари бўйича коррупцияга қарши дастур/йўл харитаси (чора-тадбирлар режаси)ни тузиш лозим аниқланган хатарларни камайтириш учун:

- 1)ҳар бир чора ходимлар томонидан унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хатарни минималлаштириш билан боғлиқ алоқасини кераклича тушуниш учун аниқ ва равшан ифода этилган бўлиши керак;
- 2)ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, мазкур чора-тадбирларни мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Қандай қилиб коррупциявий хатарларни минималлаштириш мумкин?


Алоқа каналларини тарғиб қилиш,
тушунтириш тадбирларини ўтказиш

Ходимларни коррупцияга қарши ўқитиш

Ходимларни танлаб олиш ва ротация
қилишнинг аниқ мезонлари ва
шаффофлигини таъминлаш

Қарорларни якка ҳолда қабул
қилиш ҳолатларини камайтириш

Ходимлар томонидан коррупцияга қарши
нормаларга риоя этиш устидан назорат
қилинишини таъминлаш



Тартиб-таомилларни
аниқ тартибга солиш

Ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва
тўсиқларни бартараф этиш

Электрон ва автоматлаштирилган
тизимларни жорий этиш

Сайт ва ОАВ орқали маълумотларни
кенг тарқатиш

Фуқароларни барча коррупция
ҳолатлари тўғрисида хабардор қилишга
рағбатлантириш



**Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг
худудий ва таркибий бўлинмаларида
манфаатлар тўқнашувини бошқариш
АМАЛИЁТИ**

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ўзбекистон Республикасининг *“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”* ги Қонуни 3-моддаси, 03.01.2017 йилдаги **ЎРҚ-419**-сон.

..... қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **вазиятлар манфаатлар тўқнашуви ҳисобланади** ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда **жавобгарликни** келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”* ги Фармони, 06.07.2021 йилдаги **ПФ-6257**-сон.

.....**коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, **манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик** ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун **масъул ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, 06.07.2021 йилдаги ПҚ-5177-сон.

Давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда **манфаатлар тўқнашувига** сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **ҳолатларда пайдо бўлади.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, 2016 йил 2 март. (Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларининг 14-банди).



“Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” низом.
Агентлик томонидан 18.10.2021 йил 01-07/6859-сон хат билан юборилган.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма – давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва кадрлар билан ишлаш бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси (ID-60813). *Лойиҳа 5-боб, 31-моддадан иборат.*




**Манфаатлар тўқнашуви учун
жиной жавобгарлик
белгиланиши кутилмоқда**




**MANFAATLAR TO‘QNASHUVI
QONUN LOYIHASI MUHOKAMADA**

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ


Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилиши керак



▪ ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда **МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ АХБОРОТ ЖАМЛАНАДИ**



ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида **ЮЗАГА КЕЛГАН ЁКИ ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН** манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбарига ва Кадрлар бўлимига хабар беради



манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган **ҲАР БИР МАЪЛУМОТ ЁКИ ХАБАР ҚОЛЛЕГИАЛ ТАРТИБДА ЎРГАНИЛИБ**, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин

ТАШКИЛОТДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

Ташкилот тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ:

- бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс **бўйсунувига ўтказиш**;
- манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан **ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш**, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини **қайта кўриб чиқиш**;
- ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Ташкилотнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини **чеклаш**;
- ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган **лавозимга ўтказиш** ва бошқа ҳолатлар.

Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш РЕЕСТРИ

	Маълумот олинган сана	Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимнинг Ф.И.О	Ташкилот таркибий тузилмаси ва ходимининг лавозими	Манфаатлар тўқнашувининг предмети	Манфаатлар тўқнашувининг тури (ҳақиқий ёки потенциал)	Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар	Одоб-ахлоқ комиссия йиғилиш баённомаси рақами ва санаси, Кадрлар бўлими томонидан қабул килинган қарор	Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1								
2								
3								
...								

**Эътиборларингиз учун
рахмат**